

**Бажарилиши уч йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

<b>“Тиббиёт фанлари” йўналиши бўйича</b>			
<b>№</b>	<b>Амалий лойиҳа мавзуси</b>	<b>Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа</b>	<b>Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми</b>
1	2	3	4
	<p>Чала туғилган болалар касалликларини олдини олиш мақсадида башоратлашнинг янги усулини ишлаб чиқиш</p>  	<p><b>Тадқиқот шакли</b> Чала туғилган болалар касалликларини олдини олиш мақсадида башоратлашнинг янги усулини ишлаб чиқиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p><b>Илмий тадқиқот натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- гестацион муддатига боғлиқ равишда муддатидан илгари туғилган чақалоқларда асосланган респиратор даво чоралари яратилади;</li> <li>- чала туғилган чақалоқлар парваришининг дастлабки босқичида тизимли ва маҳаллий церебрал қон айланиши ауторегуляцияси бузилиши башоратланади;</li> <li>- кечиктириб қисқич кўйиш технологиясини қўллаш натижасида ривожланадиган чала туғилган чақалоқлар патологияси профилактик даволашнинг модели яратилади;</li> <li>- неонатал реанимация вақтида UP POSITION ёрдамида асоратлар ва ўлимнинг олдини олиш технологияси яратилади;</li> <li>- чала туғилган чақалоқларда некротик энтероколитнинг янги иммуногенетик эрта ташхислаш усули ва унга хос маркерлари яратилади;</li> <li>- чала туғилиш асосида асоратларнинг тизимли кўрсаткичларини рақамлаштириш ва эрта предикторларни аниқлашнинг замонавий математик алгоритми яратилади.</li> </ul> <p><b>Натижаларни синовдан ўтказиш:</b> Тадқиқот натижалари Республика перинатал маркази ва Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида синовдан ўтказилиб, Республика перинатал хизматининг 3 та тажриба ҳудуди – Фарғона, Бухоро, Тошкент вилоятларида амалиётга жорий этилади.</p> <p><b>Илмий натижаларни чоп этиш:</b> Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p><b>0,5 млрд сўм</b></p>
<b>Жами йиллик:</b>			<b>0,5 млрд сўм</b>

*\*Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,5 млрд сўм ва бажарилиши уч йилга мўлжалланган.*

**Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

<b>“Тиббиёт фанлари” йўналиши бўйича</b>			
<b>№</b>	<b>Амалий лойиҳа мавзуси</b>	<b>Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа</b>	<b>Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми</b>
1	2	3	4
	<p>Маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб юз-жағ соҳасидаги суяк тўқимасининг етишмовчилигини тиклай оладиган паста шаклдаги аллосуяк яратиш</p>  	<p><b>Тадқиқот шакли:</b> Маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб юз-жағ соҳасидаги суяк тўқимасининг етишмовчилигини тиклай оладиган паста шаклдаги аллосуяк яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p><b>Илмий тадқиқот натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда 200-1000 мкмга тенг гидроксипатитни синтез қилиш ва қорамолнинг COL11A1 коллаген толалари ажратиб олинади;</li> <li>- олинган минерал ва коллаген толаларига кимёвий ва термик ишлов берилади, миқдор таҳлиллари қилиниб, оптимал аралашма тайёрланади;</li> <li>- биоактив суюқлик ва минерал-коллаген аралашмаси қўшилиб, қуюқлик даражаси 8000-10000 мПа га тенг паста яратиш усуллари ишлаб чиқилади;</li> <li>- паста шаклдаги аллосуякнинг биологик мослиги, материалдан фойдаланиш хавфсизлиги ўрганилади, унинг хусусиятлари ҳар томонлама баҳоланади, шунингдек, клиник татбиқ этилади.</li> </ul> <p><b>Натижаларни синовдан ўтказиш:</b> Тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш тизимидаги барча юз-жағ жарроҳлик амалиёти ўтказиладиган амбулатор ва стационар тизимдаги муассасаларда синовдан ўтказилади.</p> <p><b>Илмий натижаларни чоп этиш:</b> Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p><b>0,8 млрд сўм</b></p>
<b>Жами йиллик:</b>			<b>0,8 млрд сўм</b>


*\*Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,6 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*

**Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

<b>“Тиббиёт фанлари” йўналиши бўйича</b>			
<b>№</b>	<b>Амалий лойиҳа мавзуси</b>	<b>Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа</b>	<b>Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми</b>
1	2	3	4
	<p>Бош мианинг глиал ўсмаларининг комплекс даволашда МР-спектроскопия ва МР-трактографияга, операцион микроскопияга асосланган янги диагностика ва нейронавигация усуллари ишлаб чиқиш</p> 	<p><b>Тадқиқот шакли:</b> Бош мианинг глиал ўсмаларининг комплекс даволашда МР-спектроскопия ва МР-трактографияга, операцион микроскопияга асосланган янги диагностика ва нейронавигация усуллари ишлаб чиқиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p><b>Илмий тадқиқот натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- бош мианинг глиал ўсмаларида маҳаллий метаболик ўзгаришларни ва трактлардаги зарарланишни ҳисобга олган ҳолда дифференциаллашган хирургик даволаш натижаларини яхшилаш борасида чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилади;</li> <li>- бош мианинг глиал ўсмаларида операцион микроскопия, МР-спектроскопия ва МР-трактографияларни қўллаб хирургик даволашнинг оқибатларини олдиндан айта олиш имкониятини берувчи муҳим диагностик усул ишлаб чиқилади;</li> <li>- бош миёна ўсмаси соҳасидаги маҳаллий метаболитларнинг ўзгаришлари ва трактларнинг зарарланиши тури дифференциаллашган хирургик даволаш усулини тўғри танлаш ва унинг самарадорлигини таъминлайди;</li> <li>- соғлиқни сақлаш амалиётига магнит резонансли трактография ва магнит резонансли спектроскопия усуллари уйғунлигидаги диагностика усули модификацияси ишлаб чиқилади.</li> </ul> <p><b>Натижаларни синовдан ўтказиш:</b> Бош мианинг глиал ўсмаларини дифференциал хирургик даволаш учун ишлаб чиқилган даволаш ва диагностик усуллар нейрохирургик, онкологик ва рентген-радиология бўлимларининг, хусусий секторлардаги нейрорентгенологик текширувларда синовдан ўтказилади.</p> <p><b>Илмий натижаларни чоп этиш:</b> Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	0,9 млрд сўм
<b>Жами йиллик:</b>			<b>0,9 млрд сўм</b>

*\*Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,8 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*


**Бажарилиши уч йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

<b>“Тиббиёт фанлари” йўналиши бўйича</b>			
<b>№</b>	<b>Амалий лойиҳа мавзуси</b>	<b>Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа</b>	<b>Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми</b>
1	2	3	4
	<p>Ортиқча вазнга эга болалар ва ўсмирларда метаболик синдромни эрта аниқлаш биомаркерлари панелини яратиш</p> 	<p><b>Тадқиқот шакли:</b> Ортиқча вазнга эга болалар ва ўсмирларда метаболик синдромни эрта аниқлаш биомаркерлари панелини яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p><b>Илмий тадқиқот натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- минтақамиз учун хос бўлган лептин, адипонектин ва грелин кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда болаларда семизлик фонида ривожланган метаболик синдромнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланади;</li> <li>- ўзбек болалар ва ўсмирлар популяциясида FTO гени аллелларини насл орқали берилишига боғлаган ҳолда, семизлиги бор болаларда метаболик синромнинг маркерларини эрта аниқлаш технологияси ишлаб чиқилади ҳамда диагностик шкала яратилади;</li> <li>- семизлиги бор болалар ва ўсмирларда ривожланган метаболик синдромни, аниқланган хусусиятларини ва асоратларни инобатга олган ҳолда, персоналлаштирилган даволаш электростимуляция ва магнитотерапия усуллари ишлаб чиқилади;</li> <li>- метаболик синдром компонентлари бўлган болалар ва ўсмирларни соғломлаштиришнинг комплекс чора-тадбирлари ишлаб чиқилади, бу ўз навбатида кейинчалик ривожланиши мумкин бўлган юқумли бўлмаган касалликларни олдини олишга ва уларни даволаш учун сарфланадиган умумий (бевосита ва билвосита) харажатларни камайтиришга хизмат қилади.</li> </ul> <p><b>Натижаларни синовдан ўтказиш:</b> Метаболик синдромнинг предикторларини эрта аниқлаш учун ишлаб чиқилган технология ва уни даволаш усуллари оилавий шифокорлар ҳамда мактаб шифокорларининг амалий фаолиятида синовдан ўтказилади.</p> <p><b>Илмий натижаларни чоп этиш:</b> Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли хужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p><b>0,6 млрд сўм</b></p>
<b>Жами йиллик:</b>			<b>0,6 млрд сўм</b>

*\*Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,8 млрд сўм ва бажарилиши уч йилга мўлжалланган.*



**Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

<b>“Тиббиёт фанлари” йўналиши бўйича</b>			
<b>№</b>	<b>Амалий лойиҳа мавзуси</b>	<b>Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа</b>	<b>Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми</b>
1	2	3	4
	<p>Лапароскопик амалиётларда буйракнинг косача-жом тизимини дренажлашнинг нефростомик усулини яратиш</p> 	<p><b>Тадқиқот шакли:</b> Лапароскопик амалиётларда буйракнинг косача-жом тизимини дренажлашнинг нефростомик усулини яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p><b>Илмий тадқиқот натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- лапароскопик пиелолитотомия амалиётида нефростомик дренажни ўрнатиш техникаси ишлаб чиқилади;</li> <li>- лапароскопик пиелопластика амалиётида сийдик найи интубаторини нефростомик дренаж орқали ўтказиш техникаси яратилади;</li> <li>- лапароскопик амалиётларда ҳолатга қараб дренажлаш усулини танлаш алгоритми яратилади;</li> <li>- лапароскопик амалиётларда буйракнинг косача-жом системасини дренажлаш учун янги, оптимал нефростомик дренаж яратилади;</li> <li>- операциядан кейинги даврда дренажларни олиб ташлаш учун оптимал даврни аниқлаш алгоритми яратилади.</li> </ul> <p><b>Натижаларни синовдан ўтказиш:</b> Тадқиқот натижалари Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказида синовдан ўтказилади.</p> <p><b>Илмий натижаларни чоп этиш:</b> Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p><b>0,75 млрд сўм</b></p>
<b>Жами йиллик:</b>			<b>0,75 млрд сўм</b>

*\*Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,5 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*